

## **ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Холдоров Козимжон Насимжон ўғли**

Сурхондарё вилояти юридик техникуми махсус фанлар ўқитувчиси

E-mail: kozimkholdorov99@gmail.com

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада “Фуқаролик ҳуқуқи” фанини ўқитишда сифатли таълим ва рақамли технологияларнинг ўрни келтириб ўтилган. Фуқаролик ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи, рақамли технология, сифатли таълим орқали асослаб берилган.*

***Калим сўзлар:** фуқаролик ҳуқуқи, ҳуқуқ, рақамли технология, ахборот технология, инсон ҳуқуқлари, сифатли таълим, профессионал таълим, метод, таълим жараёни.*

### **ABSTRACT**

*In this article, the role of digital technologies in teaching the topic "Civil Law" is mentioned. It is based on high quality education, civil rights, digital technology, and human rights.*

***Key words:** civil right, right, digital technology, information technology, human rights, quality of education, professional education, method, education process.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье приводятся общие основы роль цифровых технологий предмета «Гражданское право». Она основана на гражданских правах, цифровых технологий, качественного образования, педагогических технологиях и правах человека.*

***Ключевые слова:** гражданское право, право, цифровая технология, информационная технология, права человека, качественное образование, профессиональное образование, метод, учебный процесс.*

### **КИРИШ**

“Фуқаролик ҳуқуқи” фани юридик фанлар орасида ўз ўрнига эга бўлган фанлардан биридир. Замонавий таълимда ахборот ва рақамли технологиялардан фойдаланиш ўқувчи-ёшларнинг таълим олиш сифатига таъсир кўрсатади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ**

Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик кодексига шарҳ 1-, 2- ва 3-қисм ҳамда “Фуқаролик ҳуқуқи” дарслигидаги маълумотлардан фойдаланилди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Бугун деярли барча ривожланган давлатлар ўзининг таълим стратегияси қандай бўлиши кераклиги ҳақида бош қотирыпти. Таълим қамрови нуқтаи назаридан жуда ҳам кўп имкониятлар юзага келди. Мисол учун, Шарқий Осиёдаги Сингапур, Таиланд, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда Осиёнинг бошқа қисмидагига нисбатан таълимни ўзлаштириш кўрсаткичи анча баланд. Бу маҳаллий шароитларсиз андаза кўчирилади, дегани эмас. Бироқ ҳукумат ҳамма шароитни қилиб бериши керак, деган тушунчадан қочиш жоиз. Албатта, ҳукумат ўз аҳолисини таълим билан қамраб олиши лозим. Бироқ бу ерда ҳукуматга кўмак берадиган бошқа ташкилотларнинг ҳам алоҳида ўрни бўлиши лозим. Буюк Британия, Малайзия каби давлатларда таълимнинг асосий қисмини ҳукумат эмас, хусусий сектор ташкиллаштиради. Мантқан олганда, ўқитиш сифатига нодавлат ташкилотларнинг таълим масаласидаги фаоллиги орқали эришиш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номлаш ҳақидаги таклифини барча мамнуният билан қарши олди. Дарҳақиқат, юртбошимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққо ягона тўғри йўлидир!

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда таълим соҳаси бозор иқтисодиёти ва ривожланиш нуқтаи назардан муҳим ўринга эга, зеро сифатли таълим – инсон капиталига инвестиция. Профессинал таълим тизимда, хусусан юридик техникумларда таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Сифатли таълимни ташкил этишда ўқитувчининг билим даражаси, таълим муассасасининг моддий техник базаси билан бир қаторда, рақамли техногиялардан фойдаланишни йўлга қўйилиши айна муддао бўлди.

Мамлакатимизда кадрларни тайёрлаш ишини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нафузини ошириш билан боғлиқдир. Шундай экан, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилиётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, унинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ<sup>1</sup>.

Фуқаролик ҳуқуқи фани юриспруденция соҳасининг муҳим бир тармоғи бўла қолмай, кундалик ҳаётимизда жуда ҳам дуч келидиган ҳодиса ёки

---

<sup>1</sup> Ҳуқук фанларини ўқитишда педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат (ўқув қўлланма). Маъсул муҳаррир: проф. Д. Ҳашимова. – Т.: ТДЮУ, 2021. 5-бет.

жараёндир. Мисол учун, уй-жой ва автотранспорт олди-сотдиси, ижара, кредит, қарз, мерос ва бошқа масалалар.

Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда рақамли технология, шу жумладан булутли технологиялардан оқилона фойдаланиш муҳим ўринга эга. Булутли технологиялардан бири бу “AnswerGarden” веб-платформасидир.

Answergarden булутли технологиясидан фойдаланиш учун аввалом бор телевизорга ёки проекторга, шу билан биргаликда Интернетга уланган компьютер қурилмаси керак бўласи.

Answergarden ўзи нима? *Answergarden* - бу ақлий хужум, оддий сўровнома ўтказиш, шарҳлар тўплаш ва ҳоказо турдаги мулоқотли ташкил этиш, ўтказиш ва текширишга қаратилган интерактив платформасидир. Бундан ташқари, ушбу платформа орқали жуда қизиқ ва ноодатий фикр билдириш ва тўплаш воситасидир.

Замонавий таълим, албатта, ўқувчи-ёшлар билан доимий ва тезкор алоқани талаб қилади. Мазкур платформа ўқув жараёнидаги ўзгаришларга тезда жавоб беришга, ўқув материалнинг қанчалик яхши ўзлаштирилганлигини аниқлашга, ўқувчиларнинг кайфиятига жавоб беришга, уларнинг устуворликларини аниқлашга ва ҳоказоларга ёрдам беради.

Рақамли қайта алоқа воситалари (feedback) аудиториядаги барча ўқувчилардан жавоб олишнинг яхши усулларини тақдим этади. Ушбу воситалар уятчан талабаларга саволлар бериш ва шарҳлар алмашиш имконини беради. Ҳар доим фаол бўлишга мойил бўлган талабалар учун биз уларни амалга ошириш учун қайта алоқа механизмидан фойдаланишимиз мумкин. Бу жуда оригинал восита ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги рақамли технология орқали муносабатга қириша қолмай, улар ўртасидаги рақамли саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Таълим жарёнини ташкил этишда ҳозирги глобаллашув даврида информацион технологиялардан фойдаланиш бугунли таълим даражасини янада оширишга хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Ҳозирги таълимда инновацион таълимни қўллаш ва ундан самарали фойдаланиш учун педагог ҳодимлардан ахборот технологияларидаги билимга эгаллиги ва аудиторияларинг жихозланганлигини қифоя. Ҳозирда даврда фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда самарали ва фойдали веб-сайтлардан бири – WordWall платформасидир. Ушбу фойдали платформа орқали нафақат ҳуқуқий фанлар, балки бошқа умумтаълим фанларни учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Инновацион таълимни ташкил этишда WordWallдан ҳуқуқий викторина, заковат, савол-жавоб ва бошқа интерфаол методлардан фойдаланишимиз

мумкин. Мисол учун, фуқаролик ҳуқуқи модулида “Битимлар ва даъво муддати” мавзуси семинар машғулотида WordWall платформаси орқали ҳуқуқий викторина ташкиш қилган ҳолда дарс-машғулотини қизиқарли ва фойдали ўтказилишига гувоҳи бўлишимиз мумкин.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ҳозирги таълимни ташкил этиш жараёнида ахборот ва рақамли технологияларидан фойдаланиш мақсад мувофиқлигига гувоҳ бўлиб турибмиз ва мазкур рақамли технологияларини қўллаш ўқувчи-ёшларга сифатли таълимни тақдим этиш мумкинлигини белгилайди.

### **REFERENCES**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2019 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат. 2022 йил.
3. Ҳуқуқ фанларини ўқитишда педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат (ўқув қўлланма). Маъсул муҳаррир: проф.Д.Хашимова. – Т.: ТДЮУ, 2021. 5-бет.